УКРАИНА КОМБАЙНЧИЛАРИНИНГ ҚИММАТЛИ ТАШАББУСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 114 (4830).

13 ИЮНЬ ЧОРШАНБА 1973 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ҒАЛЛАНИ ТЕЗРОҚ ЎРИБ-ЙИҒИБ ОЛАЙЛИК

ОҲАНГАРОН. (Ўз мухбиримиздан). Район хўжаликларида Украина ССР комбайнчиларининг намлакатдаги барча механизаторларга қарата ёзган хати қизғин маъқулланмоқда. Совхозларнинг ғаллакорлари ўрим-йиғимга қизғин тайёргарлик кўриб, ҳосилни тезда йиғиштириб олиш юзасидан ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олмоқдалар.

1, 4-«Оҳангарон совхозларининг комбайнчилари техникани мавсумга пухта ҳозирлашди. Улар ишни икки сменада ташкил қилиш юзасидан зарур тадбирлар белгилаб қўйишди. Эрта-индин бу икки йирик хўжаликда ўрим-йиғим қизғин тус олади.

Кеча «Ғаллақудуқ» совхозининг ғаллазорида ҳам ўрим-йиғим ишлари бошланиб кетди. Биринчи бўлиб тажрибали комбайнчи Файзи Бекматов ўримга тушди. У ўтган йили ўрим-йиғимда алоҳида меҳнат ғалабаларини қўлга киритган эди. Шу сабабли партия ва ҳукуматимиз томонидан унинг меҳнатига юксак баҳо берилди. Ҳурмат белгиси ордени билан мукофотланди. Файзи ака украиналикларнинг чақириқларини қўллаб-қувватлаб бу йил мавсумда 400 гектар ердаги ғаллани ўриб бериш ва 650 центнер донни янчиш мажбуриятини олди. Совхоз комбайнчилари украиналикларнинг ташаббусига қўшилиб, ўрим-йиғимни 13-14 иш кунида тамомлаш ва ўтган йилдагига нисбатан 300 тонна кўп дон топшириш мажбуриятини олдилар.

Совхоз маъмурияти комбайнчиларнинг самарали ишлашлари учун барча шарт-шароитларни яратиб берди. Дала шийпони қайта ремонтдан чиқарилди. Енгинга қарши кураш тадбирлари белгиланди.

БЎКА. (Телефон орқали олинди). «Кўкорол» совхозининг далаларида иш қизғин. Комбайнларнинг овози баралла гурилламоқда. Олтн комбайнининг ҳам иш унуми яхши. Ҳосилнинг чўғидан ишчилар хурсанд. 120 гектар ўрилган майдондан олинган ўртача ҳосил 15 центнерга тўғри келмоқда.

Совхоз агитаторлари комбайнчилар ўртасида украиналикларнинг хатини ишлаб чиқ-қач иш унуми яна ҳам ортди. Кўп комбайнчилар смена нормаларини 1,5 баробарга етказиб адо этишмоқда. Улар ўрим-йиғимни 12-13 кунда тамомлаш ва ҳосилнинг бир граммини ҳам нес-нобуд қилмай, давлатга топшириш учун сўз беришяпти.

КАТТА ХИРМОН УЧУН

Деҳқон меҳрига қонган поёнсиз далаларда олтин бошоқлар улкан океан сингари оҳиста силкиниб, қалбларни беҳад хушнуд этмоқда. Колхоз, совхоз далаларида арпа, буғдой пишиб етилди. Азамат деҳқонларимиз мамлакатимиз катта хирмонини бунёд этишда муносиб ҳиссаларини қўшиб, ўрим-йиғимни ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўриб кутиб олдидар.

Областимизнинг ғаллакор хўжаликларида ўрим-йиғим ишлари бошлаб юборилди. Оққўрғон, Бекобод, Бўка, Пискент, Оҳангарон районларининг колхоз ва совхозларида дастлабки гектарлардаги ҳосил ўриб олинмоқда. Украина республикаси комбайнчиларининг КПСС Марказий Комитети томонидан маъқулланган ажойиб ватанпарварлик ташаббуслари ҳамма ерда меҳнат кўтаринкилигини янада ошириб юборди. Мамлакатимизнинг асосий ғаллакор ўлкаларидан бўлган қардош Украина комбайнчилари Ватанимизнинг барча механизаторларига мурожаат қилиб, дон ҳамда бошқа деҳқончилик маҳсулотлари ҳосилини ўриб-йиғиб олиш ва тайёрлашга намунали ҳозирлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказишга чақирдилар.

Иттифоқимизнинг илғор ва асосий ғаллакор хўжаликлари бошлаб берган умумхалқ социалистик мусобақаси областимиз ғаллакорларини ҳам янги марраларга сафарбар этмоқда. Юқори Чирчиқ районидаги «Гулистон» колхози, Оҳангарон районидаги «Ғаллақудуқ» совхози ва бошқа колхоз ҳамда совхозларда беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йили учун яхши тадбирлар белгилаб чиқилди. Бу хўжаликларнинг 1973 йилда дон ҳосили етиштиришни ва тайёрлашни кўпайтириш юзасидан белгилаган тадбирлари область партия комитети томонидан маъқулланди.

Бу йил пойтахт области ғаллакорлари она-Ватанга 54 минг тонна дон етказиб бериш юзасидан социалистик мажбурият олганлар. Бу мажбуриятни бажариш, Ватанга кўпроқ дон етказиб бериш — ғаллакорларимиз олдида турган шарафли, масъулиятли вазифадир. Ғалла ўрим-йиғимининг муваффақияти механизаторларимизга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Комбайнчилар, шоферлар ҳосил тақдири учун курашда ўз олдиларида турган вазифани тўла тушуниб етишлари, ҳар бир агрегат ва машинанинг унумли ишлашини таъминлашлари лозим. Ўрим-йиғимни дастлабки кунларданоқ шундай ташкил этиш керакки, поток усулларни кенг қўлланиб, ўриш ва янчишни қисқа муддатларда, яъни илғорларнинг иш тажрибаси асосида 10—15 кун ичида тамомлаш керак. Агрегатларнинг группа бўлиб, автомашиналарнинг соатлик графикка мувофиқ ишлашини таъминлайлик.

Ҳосилнинг нобуд бўлмаслиги, биронта ҳам бошоқ ва донинг ерда қолиб кетмаслигига эришишимиз ғоят муҳим вазифадир. Агар комбайнчи бир квадрат метр ерда битта бошоқ қолдирар экан, юз гектар майдонда бир ярим тоннадан ортиқ дон қолиб кетишини унутмаслик керак. Шунинг учун нобудгарчиликка қарши қатъий кураш олиб бориш асосий шиор бўлмоғи, герметизация машиналарининг, янчиш аппаратларининг қандай ишлашини ҳозирданоқ кўздан кечириб, уларни доимо контроль остига олиш зарур.

Украина республикасининг комбайнчилари ўз зиммаларига юксак мажбурият олиш билан бир қаторда, ўрим-йиғим —дон ва бошқа маҳсулотларни етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш ва ҳукуматимизнинг қишлоқ меҳнаткашлари ҳақида қилаётган ғамхўрликлари туфайли колхоз ва совхозларни техника билан таъминлаш сўнгги йилларда бир мунча яхшиланди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1973 йилда ҳосилни ўриб-йиғиб олишни ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашни таъминлаш чоралари тўғрисида»ги қарори ўрим-йиғимни намунали ўтказиш учун керакли бўлган барча нарсалар билан ғаллакорларни қуроллантириш зарурлигини назарда тутди.

Колхоз ва совхозларда ўрим-йиғим ишлари бошланган шу кунларда ҳар бир комбайн, ўроқ машинаси, автомобиллар, прицеплар ва бошқа техника восталарининг қандай ҳолатда эканлигини яна бир марта тез назоратдан ўтказиб, уларнинг унумли ишлаш ва белгиланган нормани бажаришини таъминлаш лозим. Партия ва ҳукуматимиз ғаллакорлар меҳнатини бирмунча енгиллаштириб, янги замонавий техникалар берган экан, уларнинг тўла унум билан ишлашига эришишимиз зарур.

Ўтган йили областимизнинг илғор ғаллакор хўжаликлари ўрим-йиғимни қисқа муддатда тугалладилар. Давлат плани ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли адо этдилар. Гектарлардан олинган ҳосил бундан олдинги йилларга нисбатан бирмунча юқори бўлди. Нобудгарчиликка қарши барча чора ва тадбирлар кўрилди. Ана шундай яхши натижаларга эришган Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Пискент ва бошқа районларнинг ғаллакорлари, комбайнчиларининг яхши ташаббусини бу йил ҳам кенг ёйиш қишлоқ партия ташкилотлари олдида турган асосий вазифадир. Партия ташкилотлари деҳқончилик ва чорвачилик ишлари соҳасида олиб борилаётган ишлар ташкилотларнинг ҳаракатини кучайтириб, ўлароқ ишлаётганлигини яна бир марта кўрсатиб турибди. Ҳозирги кунда ишлаётган ишлар

МЕТАЛЛУРГЛАР ВАХТАДА

Ўзбекистон металлургия заводи коллективи бу йил ўз зиммасига юксак мажбуриятлар олиб ишламоқда. Металлургларнинг йил давомида пландан ташқари 2550 тонна металл қуйиш, 5400 тонна прокат ишлаб чиқариш мажбуриятини олишганди. Бугунги меҳнат ана шу юксак мажбуриятга яраша бўлмоқда. Бригада ва участкаларда йиллик топшириқни муддатидан олдин бажариш юзасидан бошланган мусобақа тобора кенг қулоч ёйди.

Корхонада беш ойлик план муддатидан олдин адо этилди. Қўшимча юзлаб тонна пўлат ва прокат ишлаб чиқарилди. Бу муваффақиятларда Фитрат Муҳаммадхўжаев бошлиқ пўлатни узлуксиз қуювчилар бригадаси аъзоларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Бригада аъзолари ҳар ойда 3 минг тоннага етказиб пўлатни УНРС машинасидан ўтказмоқдалар. Бундан ташқари, улар иккинчи печни тез ва соз ремонтдан чиқаришда ҳам иштирок этдилар.

Бригада аъзолари ўзаро мусобақа уюштиришган. Мусобақада ҳозирча Асқарали Нурматов пешқадамлик қилмоқда. У 20 йилдан бери мартен цехида ишлаб, катта тажриба ва обрў орттирган. Сифатли пўлат қуйишда ҳозир унинг олдига тушадигани йўқ. Асқаралининг шогирди Йўлдош Кенжаев ҳам илғорлар сафидан ўрин олган. У ҳозир пульт оператори бўлиб ишлаяпти. Қуйилаётган пўлатнинг сифатини доимо синчковлик билан кузатиб турибди. Унинг сезгирлиги билан брак маҳсулот ишлаб чиқариш тобора камаймоқда.

Заводнинг бошқа ишлаб чиқариш участкаларида ҳам мусобақа қизғин давом этмоқда. Шерали Ҳамроқулов бошлиқ бригада аъзолари пўлат эритиш пролётида пешқадамлик қилмоқдалар. Улар смена топшириқларини ортиғи билан адо этиб, коллектив муваффақиятига ҳаммадан кўпроқ ҳисса қўшмоқдалар.

Б. ХУДОЕРОВ,
Бекобод шаҳри.

НОМЗОДЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Яқинда Чилонзор районидаги 63-профессионал техника билим юртининг шинамгина мажлислар зали одатдан ташқари гавжум бўлди. Бу ерга йиғилган сайловчилар шаҳар ва район Совети депутатлигига кўрсатилган халқимизнинг энг яхши ўғил-қизлари — номзодлар билан бўлган учрашувга тўпланишди.

Йиғилишда ишончли вакиллар, шаҳар Совети депутатлигига номзод Гулнора Йўлдошева, Чилонзор район Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинган Б. Мартиненко, Ш. Тўраев ва Г. Сафина ўртоқларининг таржимаи ҳоли ва меҳнат фаолияти билан сайловчиларни таништириб ўтди. Депутатликка рўйхатга олинганлар номидан, шаҳар Совети депутатлигига номзод Гулнора Йўлдошева сўзга чиқиб маҳаллий Советларга ўз вакилларини қилиб кўрсатган сайловчиларга миннатдорчилик изҳор этди. Халқ ишончини самарали меҳнати ва жамоат ишлари билан оқлашга сўз берди.

Гулнора сўзининг устидан чиқадиган, кўпчилик ишончини оқлайдиган, аҳдига вафодор аёл. 1959 йилда Тошкент тўқимачилик институтини муваффақиятли тугаллаб, Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқимачилик фабрикасида мастер бўлиб хизмат қилабошлади. Гулнораниг талабчанлиги, меҳнатга, тенгдошларига бўлган муҳаббати, жамоат ишларидаги ақтивлиги кўпчиликнинг эътиборини тортди. Уни комсомол ташкилотига секретарь қилиб сайлашди. Гулнора ўз ҳаёти йўлида учраган қийинчиликларни дадил енгиб, янгиликка қизиқиш билан қаради, маҳсулот сифати, корхона шуҳрати учун тинмай курашди. Гулнорани тўқимачилик, галантерея фирмасига директор қилиб тайинлашди. 1972 йилдан Гулнора Тошкент область касаба союзлари Советининг секретари бўлиб ишламоқда. Гулнора хўжалик ва касаба союзлари раҳбари сифатида халқ ишончини оқлаб келаяпти.

Х. КАЗАКОВ.



ТУҚҚИЗИНЧИ беш йилликнинг зарбдор қурилишларидан бири бўлган Олмалиқ кимё заводининг иккинчи навбати шу йил охирида ишга туширилиши керак. Ҳозир Олмалиқ «Алмазликсвинецстрой» бунёдкорлари ана шу мақсадда меҳнат қилиб, халқ хўжалиги учун жуда зарур бўлган кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхона қурилишини тезлатмоқдалар. Суратда объектнинг умумий манзараси.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

17 июнь 1973 — МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТКАШЛАРИ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВ АРАФАСИДА

(Боши биринчи бетда).

по қилиш ва келгусида суғориладиган ерларни анча кенгайтириш бошланганлигидан далолат беради. Навоий шаҳри яқинида Кармана гидроузели қуриб битказилди. Бу гидротехника иншоати Навоий, Конимех ва Ғиждувон районларидаги пахтазорларни, боғларни ва полизларни сув билан муттасил қондириб туришга, дастлабки 32 минг гектар янги ерларни ўзлаштиришга имкон беради.

Экономика ва маданиятни ривожлантиришда, жамиятимизни социал-сиёсий жиҳатдан ривожлантиришда Коммунистик партия раҳбарлигида қўлга киритилган муваффақиятлар халқнинг ваколатли органлари Советларнинг фаолияти билан чамбарчас боғланган. Советлар халқ ҳокимияти органлари эканлиги тўғрисида В. И. Ленининг айтган фикрларини тарихий тажриба тўла-тўкис исбот этди. Владимир Ильич 1917 йил ноябрида меҳнаткашларга мурожаат қилиб, бундай деган эди: «Ҳозирги вақтда давлатни ўзингиз идора қилаётганлигингизни эсда тутингиз. Сизнинг Советларингиз — бундан буён давлат ҳокимияти органлари, тўла ҳуқуқли ҳал қилувчи органлардир». Социалистик қурилишнинг ҳамма босқичларида Советлар худди мана шундай тўла ҳуқуқли, ҳал қилувчи органлар бўлиб келдилар, партиямизнинг бош йўлини оғишмай амалга оширишдан иборат. Меҳнаткашлар депутатларининг Советлари ҳозирги вақтда партия XXIV съездининг, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини амалга ошириш устида иш олиб бормоқдалар.

Коммунистик партия ва унинг Марказий Комитети хўжалик ва маданий ҳаёт масалаларини ҳал этишда маҳаллий ҳокимият органларининг ролини ва мустақиллигини ошириш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг Советларнинг иши тўғрисидаги Қарорларига, кейинги йилларда қабул қилинган Қонунларга мувофиқ район, шаҳар, қишлоқ ва посёлка Советларига ўз территорияларида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг уй-жой, коммунал қурилишга, соғлиқни сақлашга, маориф ва маданиятга, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга доир, аҳолига хизмат кўрсатиш билан алоқадор турли соҳаларда кўриладиган чораларни кўриб чиқиб, амалга оширишга доир фаолиятларини координация ва назорат қилиб туриш ҳуқуқи берилган. Планлаштириш, бюджет, молия ишлари соҳасида халқ контролини амалга ошириш, социалистик қонунчиликни, давлат, жамоат тартибини ва гражданларнинг ҳуқуқларини сақлашни таъминлаш соҳасида маҳаллий Советларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилди.

Коммунистик қурилишда Советларнинг ролини ошириш борасида партия ва давлат амалга ошираётган чоралар умуман улар фаолиятининг системасига, компетенциясига ва формасигина тааллуқли бўлиб қолмасдан, шу билан бирга ҳар бир депутатнинг вазифасига ва ваколатларига ҳам тааллуқлидир. КПСС XXIV съездининг кўрсатмасига мувофиқ, депутатларнинг статуси тўғрисида СССР Олий Совети қабул қилган Қонун барча давлат ҳокимияти органларининг амалий фаолиятига, ҳар бир депутатнинг обрўйини, активлигини ва масъулиятини оширишга ижобий таъсир ўтказмоқда.

Депутатларнинг статуси тўғрисидаги Қонун катта назарий ва сиёсий аҳамиятга эга. Бу ҳужжат Советлар тўғрисидаги ленинча таълимотни, депутатлик фаолияти тўғрисидаги Ленин ғояларини мужассамлантириб ривожлантиради. «Депутат бўлиш, — дейилади қонунда, — юксак шараф ва катта масъулиятдир. Халқ депутатлар зиммасига муҳим давлат ва жамоат вазифаларини юклайди. Коммунизм қуриш ишига бутун куч ва билимларини бериш, ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар иттифоқини СССР халқларининг дўстлиги ва қардошлигини мустаҳкамлашга, совет жамиятининг социал-сиёсий бирлигини янада мустаҳкамлашга, меҳнаткашларнинг фаровонлигини ва маданиятини муттасил оширишга, социалистик ватан қудратини кучайтиришга бутун чоралар билан кўмаклашиш депутатларнинг бурчидир».

Республикамиздаги барча Советлар депутатларининг мутлақ кўпчилиги ишлаб чиқаришда, Советларда ва уларнинг органларида ўз қазифаларини бажармоқда, юксак ишончни оқлашга интилмоқда. Депутатлар ўзларининг сайловчилари билан мунтазам равишда учрашиб турибдилар, Советларнинг фаолияти тўғрисида уларни хабардор қилмоқдалар, меҳнаткашларнинг кундалик талаблари ва эҳтиёжларини қондириш ғамини емоқдалар.

Республикамизда маҳаллий Советларга бундан аввал ўтказилган сайловдан бери катта ўзгаришлар рўй берди. — Аҳолининг сони кўпайди, янги шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқлар пайдо бўлди. Икки йил ичида Ўзбекистон ҳаритасида 18 та янги шаҳар, 10 та қишлоқ райони, иккита шаҳар посёлкаси ва 15 та қишлоқ пайдо бўлди.

Бундан бир йилча муқаддам Қорабоғиш шаҳар посёлкаси область қарамоғидаги шаҳарга айлантирилиб, бу шаҳарга Советобод номи берилди. Андижон сув омбори қурувчиларининг шаҳри бўлиб қолган Советободда саноат, қурилиш, транспорт, маиший хизмат кўрсатиш ва савдо ташкилотлари, мактаблар, медицина муассасалари ва маданий муассасалар жуда кўп.

Ёки область қарамоғидаги Ширин шаҳрини олайлик. Унинг ташкил қилинганига ҳали бир йил ҳам тўлгани йўқ. Бу шаҳар Сирдарё ГРЭС қурилиши муносабати билан пайдо бўлиб, тез ривожланабошлаган шаҳар типидаги Ширин посёлкаси негизида вужудга келди. Фарҳод ГЭСи ҳузуридаги аҳоли пункти ҳам энди шу шаҳар составига киради. Шаҳарда саноат қурилиши билан бир қаторда уй-жой бинолари, маданий-маиший объектлар ҳам барпо этилмоқда. Шаҳарнинг келажаги порлоқ. У республиканинг катта саноат маркази бўлиб қолади.

Сўнгги йилда бир қанча районларнинг марказлари — Ғиждувон, Галлаорол, Жума, Шеробод, Жарқўрғон, Косонсой, Тўйтепа ва бошқалар район қарамоғидаги шаҳарлар категориясига ўтказилди. Бу — ана шу манзилгоҳларнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланиб бораётганлигидан далолат беради.

Янги ташкил этилган қишлоқ районлари орасида Октябрь райони айниқса диққатга сазовордир. Бу район асосан Мирзачўлда ўзлаштирилган қўриқ ерларда вужудга келди. Ҳозирча районда олтита пахтачилик ва бита паррандачилик совхози бор. Экин майдони 25,7 минг гектарни ташкил этади. Шу йилнинг ўзидаёқ районнинг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари мамлакатга 40 минг тоннадан кўпроқ пахта ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа кўпгина маҳсулотларини беришга қарор қилдилар.

Янги районлар, шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқларнинг ташкил этилиши муносабати билан Советларнинг сони ҳам кўпайди. Ҳозир Ўзбекистонда 1.211 область, район, шаҳар, посёлка ва қишлоқ Советлари сайловга тайёргарлик кўрмоқдалар. Уларнинг составига 86.441 депутат, яъни ўтган сайловда сайланган депутатлардан анча кўп депутат сайланиши керак.

Республика меҳнаткашларининг коллективлари ва жамоат ташкилотлари Советларга ўзларининг энг яхши вакилларини номзод қилиб кўрсатдилар, сайлов тўғрисидаги Низомга мувофиқ округ сайлов комиссиялари уларни рўйхатга олди. Депутатликка кўрсатилган номзодларнинг учдан икки қисми ишчилар ва колхозчилар, 47 процентга яқини хотин-қизлар, ярмидан кўпроғи партиясизлардир. Номзодларнинг учдан бир қисмига яқини шонли ёшларимизнинг, 15 процентдан кўпроғи ВЛҚСМ аъзоларининг вакилларидан иборат. Депутатликка кўрсатилган номзодларнинг 40 процентдан кўпроғи маскур Советларга биринчи бор сайланаётган кишилардир.

Маҳаллий Советларнинг депутатлигига рўйхатга олинган номзодларнинг состави бир томондан Советлар ишидаги давомийликдан далолат берса, иккинчи томондан уларнинг состави доимо янгиланиб бораётганлигидан далолат беради. Бу эса янгидан миллион-миллион меҳнаткашларнинг давлатни идора қилиш мактабини ўташ имконини беради.

Давлат ҳокимияти органларида меҳнаткашларнинг манфаатларига кимлар вакиллик қилиши улар учун бефарқ эмас. Шу сабабли меҳнаткашлар сайловолди йиғилишларида ўз меҳнати ва жамоат фаолияти билан ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлган кишиларнинг номларини депутатликка номзод қилиб кўрсатдилар.

Ангрен кўмир разрезининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари экскаватор машиналарининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Хўжа Алиқуловни Тошкент область Совети депутатлигига номзодликка тавсия этдилар. Ўрток Алиқулов бошлиқ бригада кўмир разрезида биринчи бўлиб, 1960 йилда коммунистик меҳнат бригадаси номига сазовор бўлган. Алиқулов бригадаси ҳар йили давлат топшириқларини 115-120 процент бажармоқда. Бригадирнинг ўзи яхши рационализатор бўлиб, бой тажрибасини ёш ишчиларга сабот билан ўргатмоқда.

Тошкент тўқимачилик комбинатидаги сайловолди йиғилишида машҳур тўқувчи Лидия Павловна Казанцеванинг номи Тошкент шаҳар Совети депутатлигига номзодлар қаторида тилга олинди. Бу тўқувчининг беш йилликни икки ярим йилда бажариш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббуси мамлакатнинг кўпгина корхоналарида қизғин маъқуллаб кутиб олинди ва кенг оммалашди. Казанцева юксак профессионал маҳоратини ишга солиб, ўз меҳнатини моҳирона ташкил этиб, ҳамма иш усулларини аниқ ва рационал бажариб, юксак меҳнат унумдорлигига эришди ва ўз олдига қўйган вазифасини биринчи ой байрами арафасида муваффақиятли равишда бажарди.

Охунбобоев районидаги «Иттифоқ» колхози правленнесининг раиси Ғафуржон Обидов хўжаликда катта обрў қозонган. Раҳбарликни мустаҳкамлаш учун колхозчилар ундан ўзи бошчилик қилиб келган «Партия XXII съезди» илғор колхозидан бу хўжаликка ўтишни илтимос қилдилар. Колхозидаги ишлар аста-секин, лекин дадил олга босабошлади. Бу йил ҳам яхши ҳосил етишмоқда. Колхоз чигит экишни биринчилар қаторида тугаллади, экинлар ўз вақтида ва сифатли парвариш қилинмоқда. Колхозчилар Гулистон қишлоқ Советининг депутатлигига номзодларни кўрсатиш вақтида Ғафуржон Обидовнинг номини якдиллик билан тилга олдилар.

Депутатликка номзодлар — ҳурматли кишилардир. Бунда шуни айтиш керакки, уларнинг составида совет жамиятининг ҳамма табақалари, республикамизда яшовчи барча миллатлар ва элатларнинг вакиллари бор.

Сайлов кунигача саноқли кунлар қолди. 17 июнь куни республикамиздаги сайлов қутиларига беш ярим миллиондан кўпроқ сайловчи келиб, янги чайлаш Советларидаги ўз вакиллари учун овоз берадилар. Сайлов кампанияси даврида маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, уларнинг бўлимлари ва бошқармалари, шунингдек депутатлари ўзларининг икки йиллик фаолиятлари тўғрисида сайловчилар ҳузурида ҳисоб бердилар. Ҳамма жойда бўлиб ўтган йиғилишларда меҳнаткашлар депутатликка ўзлари кўрсатган номзодлар билан учрашиб, уларга наказлар бердилар. Маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг махсус тузилган комиссиялари наказларни умумлаштирмоқдалар ва барча Советларнинг биринчи сессияларига киритилиши лозим бўлган наказларни бажаришга доир тадбирларни ишлаб чиқмоқдалар. Сайлов бюллетенлари ва бошқа зарур ҳужжатлар тайёрланиб, участкаларга келтириб қўйилди. Комиссияларнинг аъзолари ва агитаторлар сайловчиларнинг рўйхатларини аниқламоқдалар.

Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқлари тобора кўпроқ байрам тусини олмоқда. Ҳамма жойда аҳоли ўртасидаги бутун оммавий-сиёсий ишнинг маркази бўлиб қолган агитпунктларда чироқлар порлаб турибди. Корхоналарда, колхоз ва совхозларда сайлов куни тўғрисида хабар берувчи, сайловчиларни бу куни меҳнатда янги ютуқлар билан нишонлашга, халқимизнинг муносиб ўғил ва қизлари учун — коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун овоз беришга чақирувчи рангба-ранг плакатлар ва шиорларга кўзингиз тушади.

Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, ўн минглаб агитаторлар омма орасида кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Улар коммунизм қурилишида халқимизнинг муваффақиятлари тўғрисида, коммунистик партиянинг раҳбарлик ва раҳномалик роли ҳақида, партиямиз халқ бахт-саодати тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилаётгани ҳақида сайловчиларга гапириб бермоқдалар.

Сайловгача қолган кунларда агит коллективлар номзодлар учун агитацияни янада кенг авж олдиришлари, ҳамма сайловчиларни номзодларнинг таржимаи ҳоли билан таништиришлари лозим. Советларнинг ижроия комитетлари ва сайлов комиссиялари рўйхатларни аниқлашни ва яшириш овоз бериш учун участкаларни жиҳозлашни тугаллашлари керак. Сайлов кунида барча алоқа воситалари аниқ ишлаши, меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат яхши йўлга қўйилиши муҳимдир.

Советларга ўтказилган бундан аввалги ҳамма сайловларга сайловчилар овоз беришда ғоят аҳиллик билан қатнашиб, депутатларни якдиллик билан сайлаган эдилар. Маҳаллий Советларга ўтказиладиган бу сафарги сайлов ҳам юксак ташкилий ва ғоявий савияда ўтишига, унда ҳамма сайловчилар актив қатнашишига шак-шубҳа йўқ. Ўзбекистон меҳнаткашлари Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига ўзларининг маҳкам жипслашганликларини, социалистик Ватанга, коммунизм ишига чексиз содиқ эканликларини яна намойиш қилиб кўрсатадилар.

„ТАШХИМСЕЛЬМАШ“ МАРКАСИ БИЛАН

«ТАШХИМСЕЛЬМАШ» заводи Марказий Африка Республикасининг пахтазорларга дори сепадиган «ОВХ—14» пуркагичлари ясашга берган буюртмасини бажарди. Корхона СССРнинг ташқи савдо ташкилотлари орқали шу мамлакатга тўртта шундай агрегат юборди. Бу агрегатлар ғўзага суюқ дори, шукингдек қуруқ дори пуркашга имкон беради.

Ўзбекистонда универсал пуркагич машиналар ишлаб чиқариш ўзлаштирилганига 2 йил бўлди. СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг олтин медалига сазовор бўлган янги агрегат деҳқонларга дарҳол манзур бўлди. Ғўза баргини тўкишда пуркагич машина самолётга нисбатан пухта ва самарали бўлиб чиқди. Ердан туриб пуркалган дорининг таъсири жуда ўткир бўлди. Бир гектар ерга сарфланадиган дори қариб чорак қисм миқдорида камайди. Ғўза барги битта қолмай тўкилиши туфайли терим техникасининг унумдорлиги ошди. Ўрта Чирчиқ районидаги хўжаликларнинг ўзигина ғўза баргини ердан туриб дефолиация қилиш туфайли 150 минг сўмдан зиёд пул тежади.

Шу йил завод мамлакат деҳқонларига 4000 та пуркагич — беш йиллик биринчи йилдагига нисбатан 2,5 баравардан зиёд кўп пуркагич етказиб беради. Чет элларга чиқариладиган машиналар ҳам кўпаяди. Совет агрегатларини Миср Араб Республикаси, Эфиопия, Греция ва бошқа мамлакатлар харид қилди.

(ЎзТАГ).

ЧИРЧИҚ пойафзал фабрикаси бу йил 30 минг жуфт пойафзал тайёрлаш мажбуриятини олган ҳолда ишламоқда. Йил бошидан бери 10 минг жуфтдан ортиқ пойафзал ишлаб чиқарилди. Ана шу ютуқларда корхонанинг иккинчи цехи ишчиси, шу цех комсомол ташкилотининг секретари, КПСС аъзолигига номзод Завира Миниханованинг ҳам хизматлари бор. Завира бу йилги топшириқларни муддатидан анча илгари бажариш ниятида.

В. Тюргашкин фотоси.

ИШЧИ ҲАМКАСБИ ҲАҚИДА

ЧИН УСТОЗ

Нишонбой Исоқов Тошкентдаги чинни заводига ишга келганига тўрт йил бўлди. Шу йиллар давомида у ўзининг тириш қоқлиги, ҳалол меҳнати билан кўзга кўринди. Жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб, кўпчилик оғзига тушди. Ҳозир эса у — бригадага бошчилик қилмоқда.

— Нишонбой бригадаси заводда илғор. Ойлик ва квартал планларни муттасил ортиғи билан бажармоқда, — дейди лой цехининг бошлиғи Тоҳир ака Маҳкамов. — Нишонбой ака менга ва тенгқурларимга ҳунар ўргатган. Биздан ширин сўзини, маслаҳатини аямайди.

Маълумки, беш йиллик Директиваларида кенг истеъмол молларини ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш кўзда тутилган. Исоқов бошлиқ бригада аъзолари ҳозир партиямизнинг ана шу кўрсатмаларига амал қилиб, халқимизга кўплаб чинни идишлари етказиб бериш учун меҳнат қилмоқда.

С. УРМОНОВ,
заводнинг ёш ишчиси.

ДИЗЕЛЧИЛАР ЎРНАК

Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонти заводи ажойиб анъаналарга эга. Корхона коллективи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида ҳам зарбдорчасига ишлаб, халқ хўжалиги учун зарур бўлган тепловоз ҳамда вагонларни барвақт ишга тушириш учун ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

Дизель цехи корхонанинг илғор цехларидан. Апрель ойида бу ерда пландагидан анча кўп товар маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Шундан кўрилган самара 25844 сўмни ташкил этди. Рентабеллик 1,19 процент ўрнига 1,54 процент, меҳнат унумдорлиги эса 2,7 процент ошди.

— Биз илғорлар тажрибасини кенг қўлламоқдамиз, — дейди цех партия ташкилотининг секретари, назоратчи мастер С. Мирзаахмедов. — Қолоқ бригадалар иши муҳокама қилиниб, уларни илғорлар даражасига кўтариш чора-тадбирлари белгиланмоқда. Цехдаги бригадалар ўртасида социалистик мусобақа яхши ташкил этилган. Ҳар ой охирида мусобақа голиблари аниқланиб, рағбатлантирилмоқда.

С. МЕЛИЕВ.

РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ

ҚУРИҚ ЕРГА «ЭЛЕКТР КАРВОНИ»

✦ Шу кеча-кунларда Мирзачўлдаги совхозларнинг марказлари бамисоли бўшаб қолгандек бўлди: механизаторлар, сувчилар, юк ташийдиган тракторларнинг ҳайдовчилари ва шоферлар ўзларининг шинам квартираларидан дала шийпонларига кўчиб чиқишмоқда. У дала шийпонлари то кеч кузакача уларнинг иккинчи уйи бўлиб қолади.

Тошкент «Промсвязь» заводининг ишчилари чўлқуварларнинг янги дала шийпонларини электр энергия билан таъминлашга кўмаклашмоқдалар. Улар Мирзачўлдаги янги совхозларга етмишта кўчма электр станция жўнатдилар. «Электр карвони» жуда вақтида — ғўза парвариши далаларда бошланиб кетадиган бир пайтда етиб келди.

«Промсвязь» маркази қўйилган кўчма электр станциялар чўлқуварларга жуда маъқул тушди, чунки бу электр станциялар унча катта эмас, оғирлиги бор-йўғи 300 килограмм бўлиб, унча катта бўлмаган посёлкани ёритиш учун кифоя қиладиган электр энергия етказиб бера олади.

МОСКВА МЕҲМОНИ — «ЮЛДУЗ»

✦ УРГАНЧ. Қўшкўпир район маданият уйининг «Юлдуз» халқ ансамбли Ватанимиз пойтахтидан қайтиб келди. Хоразмлик ҳаваскор артистлар СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ўз маҳоратларини бир неча кун мобайнида намойиш қилиб кўрсатдилар. Қўш орденли областнинг намояндаларини минг-минглаб москваликлар ва пойтахт меҳмонлари қизғин кутиб олишди. Хоразмча классик «Лазги» рақси, маҳаллий муаллиф томонидан ёзилган «Салом Москва» қўшиғи, «Меҳнат таронаси», «Оқ олтин» вокал-хореографик манзаралар томошабиларнинг ғоят диққат-эътиборига сазовор бўлди.

Қишлоқдаги турли касб эгаларининг вакиллари бўлган 40 кишидан иборат бу ансамбль виставка бош комитетининг юксак баҳосини олишга сазовор бўлди. Эндиликда Хоразмдаги бошқа бир ҳаваскорлик коллективи — Нариманов номли колхоз халқ ансамбли виставка бош комитетининг таклифига биноан Москвага жўнаш тараддудини кўрмоқда.

«ПАХТАКОР» КОЛХОЗИ ПИОНЕРЛАРИНИНГ ТЕАТРИ

✦ БУХОРО область Вобкент районидаги қишлоқ пионерлар уйи қўғирчоқ театри «Пахтакор» колхозидаги деҳқонларнинг фарзандларига ўзининг янги постановкасини кўрсатди. Бу ёш қўғирчоқ ўйинатувчиларнинг биринчи чиқишлари эмас. Театр бундан саккиз ой муқаддам педагог Г. Эшмуҳамедова раҳбарлигида тузилган бўлиб, болаларга ҳозиргача ўнта спектакль кўрсатди. Булар орасида «Зумрад ва Қиммат», «Эчки ҳақида» деган ва бошқа спектакллар бор.

Кичкинтой артистлар Ира Назирова, Алфия Мускаева, Юлдуз Эшмуродова, Йўлдош Тожиддинов, Гулбаҳор Ҳожиева, Ўткир Ярашев қўғирчоқ ўйинатишни ўрганишдан ташқари ана шу қўғирчоқларни ясаш маҳоратини эгалламоқдалар, декорациялар чизишда кўмаклашмоқдалар.

(ЎзТАГ).

КОЛХОЗ ҚУРИЛИШИГА ЭЪТИБОР ШУМИ?

«Ленинизм» колхози Янгийўл районининг бадавлат хўжаликларидан ҳисобланади. Колхоз ишлаб чиқаришнинг йилдан-йилга юксалиши туфайли қурилаётган даромад ортяпти. Натижада колхоз экономикасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг социал-маданий шароитларини яхшилаш ва моддий фаровонлигини оширишга қўплаб маблағ ажратиш имкони туғиляпти.

Шу туфайли ҳам кейинги йилларда колхозда қурилиш ҳажми кескин кенгайди. Ҳозирги вақтда бу хўжаликда марказий посёлкани бунёд этиш ишлари олиб бориляпти. Тажриба учун қурилаётган бу посёлкада колхозчилар учун кўплаб уй-жойлар, қатор маданий-маиший муассасалар, савдо шохобчалари бўлади. У ҳақиқатан ҳам кичик шаҳарчани эслатадиган бўлади.

Марказий посёлка қурилишига 1967 йилда киришилган эди. Шу вақт мобайнида анчагина миқдорда капитал маблағ ўзлаштирилди, қатор объектлар, турар-жой биноларя фойдаланишга топширилди.

Лекин бу муҳим объектни бунёд этиш суръатлари талаб даражасида бўлмаяпти. Ҳар йили ажратилган маблағнинг анчагина қисми ўзлаштирилмай қоляпти. Иморатлар белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилмаяпти. Қурилиш сифати ҳам кўнгилдагидек эмас. Айрим объектлар жуда кўп нуқсонлар билан қуриляпти. Уларни бартараф этиш учун эса қўшимча маблағ ва меҳнат сарфланяпти.

Марказий посёлкани комплекс қуриш билан шуғулланаётган бинокорлик ва монтаж ташкилотларининг тўққизинчи беш йиллик ҳал қилувчи йилнинг дастлабки ойларидаги қониқарсиз ишлари фикримизнинг далили бўла олади. Шу йилнинг 4 ойлик қурилиш-монтаж ишлари плани белгиланганидан анча кам бажарилди.

Йил давомида 850 минг сўмлик, 4 ойда эса 145 минг сўмлик пудрат ишлари амалга оширилиши керак эди. Аслида бунинг уддасидан чиқилмади. Қурилиш ташкилотлари раҳбарларининг муҳим объектга нисбатан эътиборсизлик билан қарашаётганликлари оқибатида 4 ойда планга нисбатан 73 процент ёки бор-йўғи 105 минг сўмлик маблағ ўзлаштирилди. Барча бинокорлик ташкилотлари планни бажаришнинг уддасидан чиқишмади. 22-махсус механизациялашган кўчма колонна эммасидаги 4 ойлик вазифани фақатгина 77 процент қилиб адо этди. Қурилиш-монтаж бошқармаси коллективининг иш кўрсаткичи бундан ҳам паст бўлди. Хаммаси бўлиб бошқарма 25,2 минг сўмлик иш бажарди. Бу пландагига нисбатан 72 процентни ташкил этади.

Тўғри, уй-жой қурилиши суръати анча дуруст. Турар-жойлар бунёд этиш бўйича тўрт ойлик план 128 процент қилиб адо этилди. Лекин, бошқа объектлар қурилишида тамомила тескари манзарани кўрасиз. 624 ўқувчига мўлжалланган мактаб қурилишида топшириқ 82 процент, 50 ўринлик касалхона бунёд этишда 72 процент, инженерлик коммуникацияларя ва ободонлаштириш бўйича эса 40 процентда қолиб кетди.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари ва маблағ билан тўла таъминланган бўлишига қарамай, посёлканинг суст қурилаётганлиги ачинарли бир ҳолдир. Бундай аҳволга олиб келаётган сабаблар жуда кўп. Объектларда меҳнатнинг пухта ташкил этилмаганлиги, бинокорлик материаллари ва механизмларнинг етишмаётганлиги асосий сабаблардан ҳисобланади.

Қурилишда жуда кўп операцияларнинг ҳамон қўлда бажарилаётганлиги таажжубли бир ҳолдир. Айниқса, бинокорлик материалларини иш жойига етказиб бериш ёмон ташкил этилган. Гишт, бетон замбилларда, қоришма эса челакларда ташилмоқда. Бунинг сабаби турли хил машина-механизмларнинг етарли бўлмаганлигидадир. Ҳозирги вақтда посёлка қурилишида 2 та минора крани, пайвандлаш аппарати, бетонни ичлаштириш учун тебратгичлар етишмай турибди. Вақолаки, бундай машина-механизмлар деярли барча қурилиш ташкилотларида бор.

Иш бошидан пухта бўлса охиригача яхши кетади. Қурилишнинг тез ва соз бориши кўп жиҳатдан лойиҳа-смета ҳужжатларининг сифатига боғлиқдир. Бу ҳужжатлар пухта тайёрланиши керак. Лекин, афсуски, уларни ишлаб чиқишда қатор нуқсонларга ҳам йўл қўйилди. Масалан, мактаб қурилиши лойиҳа-смета ҳужжатини тайёрлашда камчиликлар борлиги қурилиш давомида маълум бўлиб қолди. Мактаб биносн пойдеворини вертикаль ва горизонталь гидроизоляция қилинмиш назарда тутилмаган экан. Худди шундай камчилик касалхона лойиҳасида ҳам йўл қўйилган. Айниқса, ободонлаштириш ишлари бўйича тузилган сметанинг камчиликлари кўп.

Қурилишда айрим ишлар жуда сифатсиз бажариляпти. Айниқса, пойдеворга ётқизилган бетон ичлаштирилмаяпти. Бундай бепарволик оқибатида пойдеворларда катта-катта дарзлар пайдо бўлди. Пойдеворларнинг устки қисми ўнқир-чўнқир бўлганлиги учун гишт теришда қийинчиликлар туғдирмоқда. Қоришманинг ортиқча сарфланишига сабаб бўлмоқда. Гишт сифати ҳам яхши эмас. ГОСТ талабларига тўғри келмайди. Гишт олдин сувга ҳўлланиб, сўнг терилиши керак. Аслида бундай қилинмаяпти. Улар орасидаги чоклар ҳам белгиланганидан анча кенг, айрим жойларда у уч сантиметргача етмоқда. Касалхона ва уй-жойлар қурилишида шундай камчиликлар содир бўляпти.

Заказчи объектларнинг нуқсонлари бўлгани ҳолда фойдаланиш учун қабул қилиниши билан ҳам, қурилиш сифатнинг яхшиланишига нисбатан талабнинг сусайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Қурилиш ташкилотлари раҳбарлари эса бунга сунистеъмол қилмоқдалар, Масалан, «Ташоблсельстрой» трестига қарашли 5-механизациялашган кўчма колонна фойдаланишга топширган 5 та уй ва болалар боғчасида катта-катта нуқсонлар борлиги кўрсатилганида колонна раҳбарлари уларни бартараф этамиз, деб ваъда берган эдилар. Лекин улар ваъдаларининг устидан чиқишмади. 13 пунктдан иборат бу камчиликлар ҳамон бартараф этилганича йўқ.

Планлаштиришдаги пала-партишлик оқибатлари ҳам яхши бўлмаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. «Ташоблсельстрой» қурилиш трестининг 5-механизациялашган кўчма колоннаси 1967-1969 йилларда қурилиши бошланган объектларни бунёд этишни тугатиш учун шу йилнинг биринчи ярмида 136 минг сўмлик маблағ ўзлаштириши керак эди. Колонна шунча маблағни бемалол ўзлаштириш мумкин эди. Лекин планга мувофиқ йил давомида колоннага фақатгина 75 минг сўмлик маблағ ўзлаштириш вазифаси юклатилди. Ўтган 4 ойда эса фақатгина 17 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

«Ўзэлектромонтаж» трестининг Тошкент область монтаж бошқармаси, «Ўзсантехгазмонтаж» трестининг Тошкент область бошқармаси, колхозлараро қурилиш бошқармаси, колхоз посёлкасини бунёд этишда иштирок этаётган бошқа қурилиш ташкилотлари фаолиятида ҳам катта-катта камчиликлар бор. Уларни бартараф этиш ва бу муҳим объект қурилишига ажратилган барча капитал маблағларнинг тўла ўзлаштирилишига эришиш заказчи, пудратчи ва ёрдамчи пудратчи ташкилотлар коллективларининг муҳим вазифасидир.

М. МИРҲАМИДОВ.

ТЕРИМ МАШИНАЛАРИНИНГ „ҚЎЛҚОПИ“

Пахта териш машиналарининг шпинделлари — механик «бармоқлари»нинг қўлқопсиз ишлаши осон эмас. Ғўзапоянинг кўки толага аралашиб, шпинделларга тез ёпишади, пахта ўтадиган оралиқларга тиқилиб қолади. Шунинг учун механизаторлар терим чоғида ҳар ярим соатда машиналарнинг асосий иш органларини ёпишган чўп-хаслардан тозалаб, уларни юнб туришларига тўғри келади. Шундай қилинмаса, кўсак узилиб тўкилаверади. Бунинг устига чирк босган шпинделлар тез ишдан чиқади.

Нарса ёпишишини камайтириш учун ҳозир машиналарнинг «бармоқлари» хромланяпти. Лекин бу қимматга тушади ва мураккаб ишдир. Ўзбекистон Фанлар академияси механика ва сейсмик мустаҳкам иншоотлар институтининг олимлари бунинг йўлини топишди. Улар шпинделларга юпқа полимер пардадан ясалган «қўлқоп» кийгизишни таклиф этишди. Бу модда электростатик майдонда пуркаш йўли билан қопланади.

Бундай парданинг асосий афзаллиги арзонга тушишидир. Шпинделларни эса худди хромлаш усулидагидек тоза сақлайверади.

Ҳозир «Ташсельмаш» заводида полимер «қўлқопли» 20 та шпиндель тайёрланмоқда. Терим мавсумида улар кўплаб ясалаётган машиналарга ўрнатилади ва биринчи марта республиканинг катта майдонида ишлай бошлайди.

Ю. ЮДИН,
(ЎзТАГ).

ТАШАББУСКОР САБЗАВОТЧИ

Петр Прудников деҳқончилик касбини ардоқлаб келаётганлардан. Мана бир неча йилдирки, у Калинин районидаги 1-«Тошкент» совхозида сабзавотчилик бригадасига бошчилик қилиб келяпти. Бригада аъзолари бу йил 45 гектар майдонда деҳқончилик қилиб шаҳарликлар дастурхонига 220 тонна картошка, 60 тонна пиёз, 200 тонна карам, 315 тонна помидор етказиб беришга аҳд қилишган.

— Бригадамизда 16 киши ишлайди, — дейди Петр. — Ўтган йили 800 тонна сабзавот топширган эдик. Бу йилги маррамиз 850 тонна. Ҳозир ишни ана шунга яраша намунали ташкил қилганмиз. Планнинг 20 процентини бажариб қўйдик, шаҳарликлар дастурхонига 90 тоннадан ортиқ сабзавот тортиқ қилинди.

Бригада аъзоларининг ҳаммаси ўз касбини севган, меҳнатни улуғлаётган кишилардир. Р. Мадраҳимов, Т. Иброҳимов, О. Қобулов, Ж. Ҳошимов, Г. Ҳакимов, Г. Шукуров, Х. Норбобоев, К. Мирзаевлар ҳалол меҳнат қилиб, донг таратишмоқда.

Моҳир бригадир 39 йилдан бери меҳнат қилиб, сабзавот маҳсулотларини кўплаб етиштириш йўлларини ахтариб топмоқда. Бригада аъзолари Петрни техника жонқуяри деб чақиришади. У сабзавот етиштиришда механизациядан унумли фойдаланиш ижодкори сифатида районда кенг танилган. Прудников якинда кўп йиллик хизматлари учун Ленин ордени билан мукофотланди.

А. РОЗИҚОВ.

ПОЙТАХТДАГИ «Қизил тонг» фирмасида қўли гул чеварлар қўплаб топилади. Улардан бири сиз суратда кўриб турган Т. Орловадир. У 20 йилдан буён шу корхонада тикувчи бўлиб ишлаб келмоқда. Ўртоқ Орлова тўққизинчи беш йиллик топшириқларини май ойидаёқ бажариб қўйди.

Ж. ТЎРАЕВ фотоси.

ЭЛ ҚИЗИ

Улар бугун кечагидан ҳам баракали меҳнат қилдилар. Тут кўчатлари яхшилаб тайёрланган ерларга мўлжалдагидан икки кун олдин экиб бўлинди. Бу ишга пилачилик бригадасининг бошлиги Басти опанинг ўзи бош-қош бўлди. Кеч қириб қош қорайганда уйга кириб келди. Эшик очилиши билан кўзлари тўрт бўлиб ўлтирган Қудратилла ҳовлига отилди.

— Келдингизми ойижон, ассаломуалайкум, — деди у онага пешвоз чиқиб, — кечикканиздан ҳавотир олабошлагандик.

— Тинчликми? — деди она нуридийдасининг пешонасини силаб.

— Сизни меҳмонлар кутиб ўтиришибди.

Басти опа уйга кирар экан пахтачилик бригадасида ўзи билан бирга меҳнат қилган дугоналари Марям, Равшанои, Қутбилар уни қуршаб олишди.

— Қайси шамол учирди? — деди Басти дугоналари билан кўришар экан.

— Сизнинг шамолингиз. — шўх кулди Марям.

Басти опа дастурхон ёзди. Қудратулла чой қўйиб келди. Ўртада суҳбат бошланди.

— Сенга бир маслаҳат билан келгандик, — деди Марям.

— Қани эшитайликчи.

— Эсингдами,— деди Қутби,— сени область Советига депутат қилиб сайлаганимизда аёлларимиз бизнинг хўжаликда ҳам янги типда боғча қурилсин, деб наказ беришганди. Мана орадан анча вақт ўтиб қолди, боғча қурилишидан дарак йўқ.

Басти Абдуллаева уйланиб қолди. Оббо аёллар тушмагурларе, деб хаёлидан ўтказарди, тутган ерингизни кесиб олақолсам, дейсизлар-а. Тўғри-да, меҳнатни қойил қиляпсизлар. Ҳар йили 30—35 центнердан ҳосил олинмоқда. Тошлоқ ерда бунчалик ҳосил олишнинг ўзи бўлмайди. Даромад ҳам шунга яраша бўляпти. Орзу-ҳавас ортмоқда...

— Тунов куни, — деб гап бошлади Басти,— колхоз правлениесининг йиғилишида шу масалани кўриб чиқдик. Маълум бўлишича боғча қурилиши учун етарли маблағ ажратилган экан. Гап қурувчиларда қолибди. Йиғилишдан чиқиб ижроия комитетга бордим. Қурилишга алоқадор ўртоқлар билан учрашдим. Улар янги типдаги боғча қурилишини тез кунда ўрнак бўлишинг керак. Ана шунда бировга маслаҳат беришга, маънавий ҳаққинг бўлади.

Депутат шундай деб ўйлади. Амалда ҳам шундай иш қилинмоқда. Унинг кўксини Меҳнат Қизил байроқ ордени безаб турибди. Бу унинг кўп йиллик самарали ишларига берилган юксак баҳодир. У ўтган йили колхознинг коммунист Собир Жўманов бошлиқ бригадасида меҳнат қилди. Бригадада оммавий-сиёсий, тарбиявий ишларни йўлга қўйишда актив қатнашди. Ҳар гектар ердан салкам 30 центнердан ҳосил олинди. Бастининг ўзи 10 тонна пахта теріб берди.

Бундан беш-олти йил илгари колхозга қўшни областдан келган меҳмонлар «Ҳамма соҳаларингиз яхши экан-у, лекин пиллачилик бироз оқсоқ экан» деб айтишган эди. Ўшанда кўп қатори Басти ҳам уялиб кетганди, бу гапларни эшитиб. Қўлпашиб туриб бу соҳани ҳам кўтаришга бел боғладилар. Басти ўтган йили дугонаси Карима Шерматова билан беш қути қурт уруғини ҳам боқди. Мусобақада голиб чиқишди. Улар ҳар қути уруғдан 80,5 килограммдан пилла олдилар. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти уларни қимматбаҳо буюмлар билан мукофотлади.

Бу йил эрта баҳорда колхоз правлениесида янги пиллачилик бригадаси ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди қолди. Бу лавозимга кўпчилик Басти Абдуллаеванинг номзодини кўрсатди.

...У бугун ҳаммадан эрта уйгонди. Хонадонма-хонадон юрди. Пилла қурти боқиладиган хоналар қандай созланаётганини кўздан кечирди. Тутзорга бориб, дарахтларнинг тагини юмшатаётган колхозчилар билан суҳбатлашди. Ишнинг боришидан кўнгли тўқ бўлгач район марказига қараб йўл олди. Бугун район ижроия комитетининг сессия йиғилиши бўлади. Йиғилишда депутат Басти Абдуллаева ҳам иштирок этади. У ўзи бажараётган ишлар ҳақида ҳисобот беради. Айрим кўнглига тугиб қўйган фикр-мулоҳазаларини, ўйларини ўртага ташлайди. Беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида Пискентдаги «Гулистон» колхози деҳқонлари қандай режаларни кўзда тутаётганликларни ҳам ҳикоя қилиб беради.

Х. УБАЙДУЛЛАЕВ,
Н. РИХСИЕВ.

ПАРТИЗАНЛАР ҚУШИҒИ ФЕСТИВАЛИ

ВАРШАВА, 11 июнь. (ТАСС). Люблин воеводлигининг иккинчи жаҳон уруши йилларида партизан ҳаракати марказ бўлган Красник шаҳрида Умумполша партизанлар қўшиғи анъанавий фестивали бўлиб ўтди.

Фестивалда мингдан ошиқ ижрочилар қатнашди. Энг яхшилар мукофот ва дипломлар билан тақдирланди. Брест ва Луцкдан келган хор коллективлари фестиваль концертларида зўр муваффақият қозонди.

СССР БОШ КОНСУЛХОНАСИ ОЧИЛДИ

ҒАРБИЙ БЕРЛИН, 11 июнь. (ТАСС). Ғарбий Берлин хусусида тўрт томонлама тузилган битимга мувофиқ таъсис этилган СССР Бош консулхонаси бу ерда ўз фаолиятини расман бошлади.

СССР Бош консули Ю. М. Шарков вазифасига киришаётиб, расмий визит билан Америка, Франция ва Англия секторларининг комендантлари ҳузурида бўлди.

ФАШИЗМ ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ

ПАРИЖ, 11 июнь. (ТАСС). Орадур-Сюр-Глан шаҳрида (Юқори Вьена департаменти) фашист жаллодлар қўлида ҳалок бўлганлар хотирасига бағишланиб якшанба куни ўтказилган маросимда мингдан ошиқ киши қатнашди.

Бундан 29 йил аввал шу шаҳарча фашист босқинчилар вахшийлик қилган майдонга айлантирилганди: 642 киши (булар орасида 500 га яқин хотин-қизлар ва болалар ҳам бор эди) шу ердаги черков биносида тириклайин ёндириб юборилган.

Фашизм қурбонлари хотирасини эслагани ҳалок бўлганларнинг қавм-қариндошлари, шаҳар аҳолиси, қаршилик ҳаракати қатнашчилари уюшмасининг делегацияси йиғилди.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ЖУДА КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА ВОҚЕА

ДЕҲЛИ, 11 июнь. (ТАСС). Ҳиндистон Коммунистик партияси миллий кенгашининг марказий органи ҳафталик «Нью-эйж» журнали КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг АҚШга қиладиган визитига баҳо бериб, бу визит «дағдағалар давридан ҳамкорлик даврига ўтиш рамзи бўлган жуда катта халқаро аҳамиятга эга воқеа» деб ёзмоқда.

Ҳиндистон коммунистларининг органи, юксак доирада ўтказиладиган мунтазам учрашувлар тинчликни сақлаш ишида катта роль ўйнашини таъкидлаб, жумладан, бундай деб ёзади: Л. И. Брежнев билан Р. Никсоннинг Москвадаги учрашуви «Совет-Америка муносабатларидаги бурилиш нуқтаси деб ҳамма томонидан эътироф қилинди». «Шу учрашув натижасида, — деб ёзади «Нью-эйж» журнали ва ундан кейин бултур низоланган битимларни бажариш йўлида иккала томоннинг кучғайрат сарфлаши натижасида урушдан кейинги даврнинг деярли ҳаммасида халқаро муносабатларни хиралаштириб турган «совуқ урушга» чек қўйилди.

Журнал СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар тарихини баён қилиб, Совет-Америка иқтисодий ва савдо ҳамкорлигининг ривожланишини тавсифлаб, «Л. И. Брежневнинг Вашингтонга қиладиган визити, деб ёзади «Нью-эйж» журнали,— дағдағалар ўрнини буюк давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик олаётганлигидан далолат бериб турибди. Мана шундай буюк тарихий ўтишга — «совуқ уруш» давридан Шарқ билан Ғарб ўртасида тинч муносабатлар, ўзаро ҳурматлаш ва ҳамкорлик даврига ўтишга асосан СССР нинг социалистик ҳамдўстлик мамлакатлар билан бир ёқадан бош чиқариб ўтказиб келаётган тинчликсевар ташқи сиёсати туфайли эришилди».

Л. И. Брежнев, деб ёзади журнал, ўзининг қаҳрамонона меҳнати билан Советлар мамлакатини қудратли давлатга айлантирган ва бутун дунёда тинчлик ва дўстлик муносабатлари тантана қилишини истаётган совет халқининг қатъий мададига таяниб Вашингтонга бораётир.

АФРИКАЛИКЛАРНИ ТАЛАМОҚДАЛАР

ЛОНДОН, 11 июнь (ТАСС). «Англо-Америкэн корпорейшен оф саут Африка» концернининг раиси Г. Оппенгрейм ўзининг йиллик докладномасида, Жанубий Африка Республикасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадларнинг ўсиши 1972 йилда «ҳақиқатан нулга тенг» бўлди деб қайд қилмоқда. Бу гапнинг маъноси шуки, аҳолининг «имтиёзи камроқ табақалари» турмуш даражаси пасайиб кетган. Докладномада Жанубий Африка Республикасида барча рангли ва африкалик гражданлар аҳолининг «имтиёзи камроқ бўлган табақалари» деб аталган.

Айни вақтда «Англо-Америкэн корпорейшен» концернига карашли олтин конларидан олинаётган соф фойда бир йил ичида 58 процент кўпайиб 250 миллион рандни (қариб 375 миллион доллар)ни ташкил қилган. Олмосларни кавлаб олиш ва сотиш билан шуғулланаётган «Де Бирс» компанияси олган соф фойда 59 процент кўпайиб, 160 миллион рандни ошиб кетган.

ПОРТЛЕНДДАГИ ЭГИЗАКЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 11 июнь. (ТАСС). Бундан бир ярим ой аввал портлендлик (Орегон штати) эр-хотин Андерсонлар бирданига икки ўғил ва уч қиз кўришган эди. Аммо эгизаклар жуда заиф бўлишганидан врачлар уларни шифохонада қолдиришга қарор беришганди.

Мана энди анча тетикроқ икки ўғил боланинг шифохонадан чиқишига рухсат этилди, уч қиз чақалоқ эса ҳамон врачлар назоратида турибди. Врачлар қизларнинг аҳволи анча яхши бўлиб қолди, дейишмоқда.

Эр-хотин Андерсонларнинг шу беш эгизакдан ташқари яна икки асранди болалари бор.

БОМБАРДИМОНЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 11 июнь. (ТАСС). Америка авиацияси Камбоджанинг озод этилган районларини якшанба куни ёпирилиб бомбардимон қилишни давом эттирди. Сурункасига 96 кундан бери давом қилаётган шу ҳужумларда «В—52» оғир бомбардимончи самолётлар қатнашди. АҚШнинг Тинч океан районидаги ҳарбий қўмондонлиги вакили Гонолулуда (Гавайи штати) шуни маълум қилди.

ТЕРРОР СИЁСАТИ

ДАМАШҚ, 11 июнь. (ТАСС). Исроил босиб олинган араб территорияларида террор ва жазолаш сиёсатини давом эттирмоқда.

Ғарбий Иорданиядан олинган маълумотларга кўра, якинда Исроилнинг оккупациячи маъмурлари Наблус, Женин ва Тулкарм шаҳарларининг 65 аҳолисини қамоққа олган. Маҳбусларнинг қариб ярми ўқувчилардир.



◆ **ЧЕХОСЛОВАКИЯ. Брно шаҳридаги «Краловополски строирни» заводида ишлаб чиқарилаётган машина, дастгоҳлар мамлакатимиз химия корхоналарида кенг қўлланилиб келинмоқда. Суратда кўриб турган аммиак ишлаб чиқарувчи бу реактор ГДРнинг Пистерица шаҳридаги химия заводига ўрнатилади.**

ЧТК—ТАСС фотоси.

МЕҲНАТ СЕМЕСТРИ — СОВХОЗДА

ТОШКЕНТ шаҳар медицина билим юртида ажойиб меҳнат анъанаси давом этиб келади. Билим юрти талабалари ҳар йили меҳнат семестрларини областимиз хўжаликларининг беполён дала-боғларида деҳқонларга ёрдам бериш билан ўтказишади. Бу йил ҳам бўлажак ёш шифокорлар боғ ва пайкалларда деҳқон ҳосили етилиши билан уларга хашарга отланишди. Ҳозир улар Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхозида меҳнат қилишяпти.

— Шаҳарлик хашарчиларнинг ёрдамидан мамнунмиз,— дейди совхознинг 3-бўлими бригада бошлиғи Саидаҳмад Билодов.— Ҳосилимиз пешма-пеш етилиб, биз деҳқонларни шошириб қўйганда, уларнинг меҳнати жуда катта наф келтиряпти. Тошкент шаҳар медицина билим юрти талабалари кўмагидан, айниқса, ҳурсандмиз. Уларнинг меҳнатга чин ихлос қўйгани кишини қувонтиради. Ёшларнинг ғайрати туфайли қулупнай ғарқ пишган қуллари шаҳарликлар дастурхонига 7—9 тоннага етказиб жўнатиб турдик. Зиммага олган мажбуриятимизни муддатидан анча илгари бажардик. Давлатга пландаги 84 тонна ўрнига 95 тонна қулупнай етказиб берилди. Шундан 45 тоннаси Москвага ва 50 тоннадан ортиқроғи Тошкент сабзавот дўконларига жўнатилди. Билим юрти талабаларидан Х. Ниёзова, М. Баҳодирова, З. Тўлаганова, Л. Азизова, О. Нуриддинова, М. Собирова сингари ишчан ёшларга ўз ташаккуримизни изҳор қилмоқчимиз.

«Қибрай» совхози боғларида ҳозир айни терим палласи. Гилосзорларда пишиқчилик. Билим юртида таълим олаётган 200 нафар ўқувчи совхоз боғларида гилос териш билан банд. Шу кунгача боғбонлар ҳашарчилар ёрдамида эл дастурхонига 70 тоннадан зиёд гилос етказиб бердилар.

Боғларда ҳали ҳосил сероб. Азамат мирзиқорлар, шаҳарлик кўмакчилар зиммадаги 140 тонналик мажбуриятни тезроқ бажариш, эл дастурхонини боғ ноз-неъматлари билан янада кўркам ва тўкин қилиш иштиёқида бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар.

Ф. АБДУРАСУЛОВ.

ШУ кунларда мирзиқор сабзавотчи ва боғбонларимиз шаҳар аҳолисини ҳўл мева ҳамда сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш учун зўр ғайрат кўрсатмоқдалар. Суратда: билим юрти ўқувчиси Мамлакат Абдуллаева гилос термоқда.

Автор фотоси.

БЕРУНИЙ ЮБИЛЕЙИГА ТУҲФАЛАР

Улуғ қомусчи-олим Беруний юбилейи яқинлашмоқда. Республикамиз рассомлари бу буюк олим туғилган кунининг 1000 йиллиги олдидан муносиб совға тайёрлаш учун қизғин ижодий ишга киришиб кетдилар. Тасвирий санъатда ҳам, графикада ҳам, ҳайкалтарошликда ҳам Беруний образини яратиш устида анчагина ишлар амалга оширилди ва амалга оширилмоқда.

Беруний юз тузилишини гавдалантирувчи тарихий материаллар кам, унинг асл чеҳраси номаълум, шу боисдан рассомлар олим портретини чизишда бирмунча қийинчиликларга дуч келишмоқда. Шунинг учун ҳар бир рассом, мусаввир, ҳайкалтарош унинг портретини ўзларида тасаввур этишлари, ўзларича тасвирлашлари бир ҳолдир.

Ҳайкалтарош Мухтор Мусабоев ва архитектор Пўлат Зоҳидов лар иккита ҳайкал композицияси ни яратишди. Уларда Беруний образи ишонарли чиққан.

Р. Немировский ва В. Клеванцов Беруний гавдасини бор бўйича тасвирлаб, олимнинг ўзига хос образини яратишган. Олти метрдан иборат бу ҳайкал Берунийнинг ички туғён ва шиддатини акс эттириш асосига қурилган. Шу билан бирга ҳайкал муаллифлари туйғун ишонч эвазига, тарихий ҳақиқатлилик ҳисобига образнинг мукаммаллигини оширишга муваффақ бўлишган. Бу улкан монумент бронзадан қуйилган бўлиб, ҚҚАССР Беруний районига ўрнатилган.

Беруний образи устида ҳайкалтарошлардан А. Рябцев ва В. Лунёвлар ҳам ижодий иш олиб боришмоқда. Уларнинг шарҳида Беруний тоғ биллурининг бир бўлагини қўксига босганча ҳиёбон бўйлаб оҳиста келмоқда. Бошида баланд телпак, устида енглари узун қалтароқ халат, Х аср Шарқ кийимига мос чолвор-костюм.

Беруний образини яратиш иштиёқи тасвирий санъаткорлар ва графикчи-мусаввирлар ўртасида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. 1949 йилдан бошлаб олим образини яратиш учун меҳнат сарфлаб келаётган рассомлардан бири Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Малик Набиевдир. Малик Набиев томонидан 1950 йилда яратилган портретда Беруний ижодий илҳом лаҳзасида тасвирланган. Олимнинг ўйчан нигоҳи ўрта асрга оид шарқона шаҳар манзарасига йўналтирилган бўлиб, гўё у ўз ўйининг партовини ҳаётдан қидираётгандай гавдалантирилган. Нафис ўйма гулли столга китоблар таҳланган, қўллари эса қоғоздаги сўнгги ёзувлар узра бир озгина ором олиб турибди. Портретда олим образининг тўлақонли чиқишига ёрдам бериш учун, Беруний ўз даврининг характерли муҳити даврасида ажралиб туради. Малик Набиев Беруний юбилейи олдидан яна олим портретини яратишга янги куч билан киришди. Бу сафар рассом олимни бутунлай бошқа аспектда талқин этмоқчи. Шунингдек Ўзбекистон ССР халқ рассоми М. Раҳимов Набиев билан ҳамкорликда Беруний ва унинг замондошлари тасвирланган сопол идишлар туркумини яратмоқда. Ўзбекистон ССР халқ рассоми, профессор Чингиз Аҳмаров ҳам Беруний ва унинг замондошлари образи устида ижодий иш олиб бормоқда.

Санъаткорларимизнинг Беруний образини яратиш йўлида олиб бораётган ишларига муваффақиятлар тилар эканмиз, буюк қомусчи-олим образи яратилган асарлар фақат юбилейга муносиб совғагина бўлиб қолмай, санъатимиз даражасини белгиловчи умрбоқий, юксак асарлар бўлиб қолади деган ниятдамиз.

Т. ОДИЛБЕКОВ,
санъатшунос.

МОҲИР ҳайкалтарошлардан Р. Немеровский ва В. Клеванцов Беруний юбилейи олдидан бу энциклопед олимнинг 6 метрли ҳайкалини яратишди. Суратда: Беруний ҳайкали.

Т. Олимбеков фотоси.

ОҲАНГАРОН шаҳрида 250 ўринли қариялар уйи фойдаланишга топширилди. Бино замонавий жиҳозлар билан безатилган. Суратда: қариялар уйининг кўриниши.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

ЁШЛИК СИНОВИ

— Халқимиз азалдан гулни бахт ва шодлик рамзи деб билади. Имтиҳон столи ана шу муаттар гулларга бурканган. Имтиҳон хонасидаги бу хушбўй гуллар ёшларнинг шодлигини ифодалаб турибди. Калинин район 37-Маяковский номли ўрта мактаб ўқувчилари учун шодиёнага айланган биринчи имтиҳонлар шу зайлда бошланди.

Биз шу ҳаяжонли дақиқаларда уларнинг ҳузурида бўлдик. Етти фарзанди шу мактаб бағрида таълим олган, мактаб ота-оналар комитетининг раиси Султон ака Баратов 10-синфни битирувчи йигит-қизни табриклаб, келгуси имтиҳонларга катта муваффақиятлар тилади. Мактабнинг кекса тил-адабиёт ўқитувчиси А. Акбаров ўқувчиларни синов инструкцияси билан таништиргач, аълочи пионерлар имтиҳон карточкасидаги темаларни эълон қилишди: «Ҳ. Олимжоннинг «Улуғ Ватан уруши давридаги ижоди», «Ҳамза—революция куйчиси», «Ҳ. Олимжон — бахт ва шодлик куйчиси»...

Қозоқ тили таълим группасидаги битирувчи ўқувчилар «М. Авезов — драматург», «Ч. Валиҳонов —таниқли саёҳатчи», «Яхши китоб — жон озиғи» темаларида етукли аттестати учун иншо ёздилар. Ўқувчиларнинг кўпчилиги эркин тема иншо ёзиб, ўз ижодий қобилиятларини намойиш этишди.

Имтиҳон сўнгида 10-синф ўқувчиларига паспорт топшириш маросими бўлди. Мактаб директори, Ленин орденли Назира Жалилова 83 ўқувчини совет граждани деган шарафли номга эга бўлганликлари билан қизғин табриклади.

З. ТЎЛАГАНОВА.

ПРОПАГАНДИСТЛАРНИНГ ДАМ ОЛИШИ

Тошкент авиация заводининг юздан ортиқ пропагандисти ўтган икки дам олиш кунини ўз оила аъзолари билан Хумсондаги «Кристалл» пансионатида ўтказди. Улар тоғларга чиқдилар, чўмилдилар, қуёшда қорайдилар, спорт ўйинларида қатнашдилар. Корхона касаба союз комитети пропагандистларнинг бундай коллектив дам олишини ўқув йили бошида охирида мунтазам равишда ўтказиб турибди.

(ЎзТАГ).

БОЛГАРИЯЛИК МЕҲМОНЛАР ТОШКЕНТДА

Болгария Халқ республикасининг Хасково округидан келган делегация аъзолари Тошкент областида бир ҳафта бўлиб, партиявий-ташкилий ишларни ташкил этишда тўпланган тажрибаларимизни ўрганиб қайтдилар. Делегацияга Болгария Халқ республикаси Хасково округ комитети секретари Петр Сулев раҳбарлик қилди. Делегация составида Болгария Компартияси Свиленград шаҳар комитетининг секретари Анастас Метларов, Кристина округ хотин-қизлар комитетининг раиси Василева, Хасково шаҳридаги тўқимачилик комбинати партия комитетининг секретари Петко Христев ва Димитровград шаҳар аграр-саноат комплекси партия секретарлари советининг раиси Дончо Николов бор эди.

Делегация Октябрь, Фрунзе, Оққўрғон районлари ва Олмалиқ шаҳри партия ташкилотларида партиявий-ташкилий ишларнинг ташкил этилиши билан танишдилар, «Ташсельмаш» заводи, Оққўрғон балиқчилик комбинати, Димитров номли колхоз, Шредер номли боғдорчилик ва узумчилик илмий-текшириш институти, В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали, республика халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси, амалий санъат музейи, Димитров номли 9-мактабда бўлдилар. Тошкент қурилишлари, Навоий шаҳри, Бухоро ва Самарқанднинг тарихий ёдгорликлари билан танишдилар.

Болгариялик дўстларимиз Калинин районидаги «Хасково» совхозида ташкил этилган Совет-Болгар дўстлиги митингида иштирок қилдилар.

Делегация аъзолари Тошкент область партия комитетида ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетида қабулда бўлдилар.

ҲАВАСКОРЛАР ВИСТАВКАСИ

Ўзбекистон Касаба союзлари шу йили бўладиган ҳаваскорлик тасвирий санъати республика виставкасига тайёргарликни бошлаб юборишдилар. Область виставкалари, шунингдек шаҳар ва қишлоқ клублари, маданият уйлари ва саройларида ишлаб турган 132 студия ва тўгарак қатнашчилари ишларининг кўргазмаси республика виставкасининг дебочаси бўлади.

ИҚЛИМ РОСТЛАБ ТУРИЛАДИ

Дунёга машҳур ихтирочи, австриялик инженер О. Руднер ҳар бир катта уй ёнида теплица бўлиши зарур деб ҳисоблайди. Уйнинг жануб томонига қурилган бу теплица бир неча муаммони ҳал қилишга ёрдам беради. Хусусан, аҳоли йил бўйи кўк сабзавот билан таъминланади. Хоналарда углекислий газга тўйинган ҳаво ўсимликларга бериб турилади. Ўсимликлардан чиқан кислород эса хоналарга киритилади.

«Карл Бейс» Австрия фирмаси «Руднер» фирмаси билан биргаликда теплицалардаги ҳавони автоматик ростлаб турувчи қурилма ишлаб чиқдилар. Лентада ҳаво ва тупроқдаги ҳароратнинг ва намликнинг ўзгариши қайд қилиб борилади. Агар ҳарорат 15 градусдан пасайса ёки 25 даражадан ошиб кетса бу прибор сигнал бериши ёки иситувчи-совутувчи вентиляторни ишга тушириши мумкин.

ТЕПЛИЦАЛАРГА ИССИК ҲАВО БЕРУВЧИ ҚУРИЛМА

«Эровен» француз фирмаси соатига 75 мингдан 600 мингга гача кило-калорий иссиқлик берувчи қурилма ишлаб чиқдилар. Газ ёки нефть ёнилғиси электр учқуни билан ёндирилади. Ҳаво оқимини турли томонга йўналтириш мумкин. Ёниш режимини ва ҳавонинг юборилиши автоматик равишда ростлаб турилади, шу билан бирга, ҳаво шароити ва ҳарорат бир меёрда тутиб турилади.

Теплицадаги теплогенераторлар иситишдан ташқари дон, тамаки ва бошқа маҳсулотларни қуритиш ҳам мумкин.

ЯНГИ ҚОПЛАМА МАТЕРИАЛЛАР

«Эровен» француз фирмаси теплицалар учун иккі қатламли синтетик пленка ишлаб чиқарди. Пленка қатлами орасига капрон ётқизилган. Пленканинг хизмат қилиш муддати беш йилдан ортиқ.

«Тое Сода» япон фирмаси винилацетат асосида пластификатор қўшилмасдан янги пленка ишлаб чиқди. Бу пленканинг афзаллиги шундаки, у ифлосланмайди, шунинг учун ўзидан кўп ёруғлик ўтказади.

«Мэджик Гарден» америка фирмасида ўн йилдан бери эгри-бугри ойнапластик билан ёпилган теплицалардан фойдаланилмоқда. Бу пластик енгил, ёруғликни кўп ўтказади. Ихтирочи Л. Жонснинг фикрича 20 йилгача хизмат қилади.

«Наука и жизнь» журналидан.

Чиноз чирой очмоқда

ҚИШЛОҚ КЎРКИ

ЯНГИ ЧИНОЗ районида қишлоқ Совети ижроия комитетининг замонавий биноси қуриб битказилди. Қишлоқ жамолини яна ҳам очган бу маъмурий бино олдида манзарали боғ барпо этилди.

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

Қишлоқ марказида «Зангори экран» устахонаси иш бошлади. Устахонанинг ҳожатбарор хизматчилари фаолиятидан меҳнаткашлар мамнун бўлмоқдалар.

БИЛИМ — ОММАГА

КИТОБ — билим чироғи. Қишлоқда очилган янги кутубхона китоб ихлосмандларини беҳад хурсанд қилди. 50 минг китоб жилдига эга бўлган бу кутубхонанинг ўқув зали ҳам уларнинг хизматида.

ОЙДИН КЕЧАЛАР

ҚИШЛОҒИМИЗ кўчалари шаҳар кўчаларидан фарқ қилмай қолди. Яқинда Кабельная, Пушкин, Боғчасарой, Навоий Советская каби бир қатор кўчалар асфальтланиб неон чироқлари ўрнатилди. Энди бу кўчалар оқшомлари ҳам кундуздек бўлиб, кишининг баҳри-дилини очмоқда.

И. ЎРИНБОЕВ.

Спорт

СТУДЕНТЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг баскетболчи йигитлари мамлакат чемпионати «А» классининг биринчи гурпасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Улар Грузия студентлари билан биринчи группага ўтиш учун баҳслашиб, уч марта қўл синашдилар. Биринчи ўйин Тошкентда бўлганди, унда ҳамшаҳарларимиз 90:78 ҳисобида ғолиб чиқишганди. Иккинчи учрашув рақиблар майдонида ўтказилди ва грузин спортчиларининг қўли баланд келди — 92:84. Мусобақа шартига кўра қўшимча учинчи ўйинни белгилашга тўғри келди. Бу учрашув ҳам Тбилисида бўлди. Тошкент университети командаси ҳал қилувчи баҳсни 79:73 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қила олди.

МОҲИР ПОЙГАЧИ

Болтиқ бўйи республикалари йўллари бўйлаб Бутуниттифоқ кўп кунлик велосипед пойгаси ўтказилди. Пойгачилар қариб 1500 километрлик масофадан ўтдилар. 10 босқич мусобақасига кўра латвия спортчиси Андрис Якобсонс Совет Иттифоқи чемпиони номини олди. Кўпгина таниқли пойгачиларни орқада қолдирган тошкентлик «Локомотив» жамияти аъзоси Аркадий Дикусар мусобақани бир текисда ўтказиб, фахрли тўртинчи ўринни эгаллади.

БАСКЕТБОЛ ВА ВОЛЕЙБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

Республикамизнинг тўрт шаҳри — Тошкент, Чирчиқ, Наманган ва Қаршида баскетбол ва волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари бошланди. Бу мусобақалар республика XVI спартакиадаси программасига киритилган.

Пойтахтдаги «Ёшлик» спорт аренасида тошкентлик баскетболчилар мусобақаларни муваффақиятли бошлашди. Пойтахтимиз шарафини «Меҳнат» жамияти аъзолари ҳимоя қилишмоқда. Улар дастлабки кун Фарғонанинг «Буревестник» вакилларини 76:48 ҳисобида енгишди. Чирчиқлик спортчилар ҳам яхши тайёргарлик кўрганликларини намойиш қилдилар. Бу шаҳар номидан қатнашаётган «Силав» спорт клуби командаси Нукус ва Ургенч спартакчилари устидан ғалабага эришди.

Тошкент армиячилари Наманган шаҳрида кетма-кет икки ютуқни қўлга киритдилар. Улар Қарши ва Самарқанд командаларидан очко олдилар. Чирчиқнинг «Чиямён» спорт клуби спортчилари эса Хоразм вакилларини 88:35 ҳисобида ютиб, Фарғонанинг «Буревестник» командасига 59:82 ҳисобида ютқаздилар.

Чемпионат ғолиблари 17 июнь куни маълум бўлади.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.30 дан **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.30 — **Кўрсатувлар программаси.**

Ўзбек тилида: 18.40 — Ўқувчилар учун. **«Ажойиб кишиларимиз ҳаёти»,** 19.10 — **«Фан»** программаси, 19.40 — **«Ахборот»** информацион программаси(рус тилида), 19.55 — **Рангли телевидение.** «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.50 — **«Ахборот»** информацион программаси, 21.10 — Дала ишлари кундалиги. 21.25 — Андижон область музиқали драма ва комедия театрининг солисти Нуриддин Ҳамроқулов куйлайди.

22.00 дан **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

10.55 — **Кўрсатувлар программаси.** 11.00 **«Мурзилканинг саргузаштлари».** Болалар учун мультфильм. 11.20 — **«Қизил елканлар».** Бадиий фильм (ўзбек тилида). 12.45 — **«Объективда ҳаёт».** III — Фарғона кинофестивали олдидан. 17.25 дан **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

22.00 — Врач экрани (ўзбек тилида). 22.30 — **Рангли телевидение.** «Партком секретари». Телевизион бадиий фильмнинг I—2серялари (рус тилида).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — **«Оперетта қаҳрамонлари сизларни кутади».** Фильм-концерт. 20.20 — **Беҳуда изҳор қилинган муҳаббат».** Телевизион спектакль (рус тилида).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА 13|VI да **Майсаранинг иши.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Бахтли кема командири — «САНЪАТ САРОЙИ» (кундуз ва кечкурун);

Сиз ҳамма гапни айтмабсиз, Ферран — «ДРУЖБА», «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ», «ВОСТОК» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун);

Ноилож жосус (кундуз соат 2.30, кеч соат 8.40 минутда). **Олтин ўқ** (эрталаб соат 10, 11.30, кундуз соат 1, 5.30, кеч соат 7 да) — «МОСКВА»;

Ҳинду Жоннинг ўлими — «СПУТНИК» (жуфт соатларда, кундуз ва кечкурун);

Утмиш воқеалари — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда, кундуз ва кечкурун);

Отам, онам, хизматиор ва мен — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (жуфт соатларда, кундуз ва кечкурун);

Қидирув менга топширилган — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда, кундуз ва кечкурун);

Сангам (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз соат 12, 4, кеч соат 8 да);

Муҳаббат фожиаси — «КУЧА» (кундуз соат 12, 3, кеч соат 6, 9 да).

ЕЗГИ БИНОДА

Руслан ва Людмила — КИРОВ номли;

Сиз ҳамма гапни айтмабсиз, Ферран, — «ФЕСТИВАЛЬ»;

Утмиш воқеалари — «ХИВА».

ТОШКЕНТДАГИ «МИКОНД» ЗАВОДИГА

фрезеровкачилар, токарлар, асбобчи слесарлар, электрикчилар, газ пайвандчилр, операторлар, контролёрлар, заваркачилар, маҳсулот сифатини текширувчилар, шиша ишлаб чиқариш ишчилари, шофёрлар, юк ташувчилар, ҳарбийлаштирилган соқчилик ходимлари, ёрдамчи ишчилар, омбор хўжалиги бошлиғи, бухгалтер-ревизор

КЕРАК

Мутахассислиги бўлмаган йигит ва қизлар касбларга ўргатилади.

Ишчилар ишга ва ишдан уйга завод транспортида келтирилади.

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

1.ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда троллейбус ҳайдовчилари тайёрловчи 4 ойлик курсларга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курсларга қабул қилинганлар трамвай ва троллейбусларда бепул юриш ҳуқуқи ва 60 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

Елгиз қишлоқ прописка дан ўтказилиб, ётоқхона билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Т. Шевченко кўчаси, 28-уй.

57-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1973-1974 ўқув йилига қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати 3 йил бўлган группалар — металла бўйича токарлар, фрезеровкачилар, мебелчи-дурадгорлар, саноат ускуналарини ремонт қилиш бўйича слесарь-механиклар, совутиш қурилмаларини ремонт қилиш ва ураргa хизмат қилиш бўйича слесарь-механиклар, саноат электр ускуналарини ремонт қилиш ва эксплуатация қилиш бўйича электромонтёрлар тайёрлайди.

Бу группаларга 8-синфни тугатган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Билим юртини тугатганларга олган касби ҳақидаги аттестат билан бирга ўрта маълумот тўғрисида аттестат ҳам берилади.

Ўқиш муддати 1 йил бўлган группалар механик-йиғув ишлари бўйича слесарлар, дурадгорлар, изолировкачилар, пресловчилар тайёрлайди.

Бир йиллик ўқиш муддатли группалар Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ташенткабель» заводига мутахассисликлар тайёрлайди.

8—10 синф ҳажмида маълумоти бўлган, 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқувчилар ўқиш даврида текин кийим-бош ва иш кийими билан ҳамда 3 маҳал иссиқ овқат билан таъминланади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Билим юртини «аъло» баҳолар билан тугатганлар ўрта махсус ва олий ўқув юртларнинг кундузги бўлимларига мажбурий иш стажисиз қабул қилинади.

Билим юртидаги ўқиш муддати меҳнат стажига кўшилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент—164, Бисоновольтний массиви, 3-сектор (қозонхона ёнида) — 19, 41-автобусларнинг сўнгги бекати, 4-автобусининг «Морозов майдони» бекати, 13, 12-трамвайларнинг «Маиший хизмат уйи» бекати.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 836495. Редактор ўринбосарлари—835885, 837916, Масъул секретарь — 834808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари— 831936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими—833786. Партия турмуши, ахборот ва спорт бўлимлари — 835811. Қишлоқ хўжалиги, фан мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 839050. Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 837045, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 834048. Эълонлар бўлими — 838142. Коммутатор — 830249 дан 830258 гача.

№ ИНДЕКС 64697. Р. 01511. В—1753. Ш